

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Ховос тумани

2023 йил 05 июнь

Боёвут туманлараро иқтисодий суди, судья Ў.Йўлдошев раислигида, судья ёрдамчиси М.Сарибаеванинг котиблигида, аризачи АААнинг жавобгар «ТТТ» фермер хўжалигига нисбатан 398 449 641 сўм молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги аризаси ва илова қилинган ҳужжатларни, аризачи вакили ЧЧЧ (21.01.2023 йилдаги №23-04840-сонли ишончнома асосида) ўз биносида ўтказилган очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

**а н и қ л а д и :**

ААА (кейинги матнларда “аризачи” деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, «ТТТ» фермер хўжалиги (кейинги матнларда “жавобгар” деб юритилади) га нисбатан 398 449 641 сўм молиявий жарима қўллашни сўраган.

Суднинг 2023 йил 08 майдаги ажрими билан ишга ССС низонинг предметида нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган.

Суд муҳокамасида аризачи вакили жавобгар экспорт шартномалари бўйича дебитор қарзларни ундириш чорасини кўрмасдан муддатини ўтказиб юборганлигини билдириб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд муҳокамаси вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинган жавобгар, Божхона ва банк вакиллари суд мажлисида иштирок этмадилар, ушбу ҳолатда суд ИПК 220-моддасига асосан уларнинг келишини мажбурий деб топмасдан, ишни уларнинг иштирокисиз кўришни лозим топади.

Суд, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини тақдим этилган ҳужжатлар билан бирга муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра аризани тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Сирдарё вилоят Божхона бошқармасининг судга тақдим этган ҳужжатларига кўра, жавобгар ва Қозоғистоннинг ИП “Aizere” чет эллик хамкори ўртасида 2021 йил 20 майда AIZ-EX 7-сонли (201168970308497831210100001) экспорт шартномаси имзоланиб, шартномага асосан товарлар экспорт қилиниб, 01.12.2022 йил ҳолатига 354 017,6 АҚШ доллар микдорида муддати ўтган дебитор қарздорлик вужудга келган.

Аризада жавобгарнинг 2022 йил 01 декабрь ҳолатига жами 354 017,6 АҚШ долларга тенг дебитор қарздорликни ундириш чораларини кўрилмаганлиги баён қилиниб, аризага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги №216-сонли қарори билан тасдиқланган низомга кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига, экспорт (импорт) шартномалари бўйича жавобгарнинг муддати ўтказиб юборилган дебитор қарзлари тўғрисидаги маълумоти асос бўлган.

Аризачи марказий банк маълумоти ва бошқа маълумотлар асосида, жавобгарнинг экспорт шартномаси бўйича муддати ўтказиб юборилган 354

017,6 АҚШ доллар қарздорликнинг 10% фоизи 35 401,76 АҚШ долларини, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2022 йил 22 декабрь ҳолатига доллар курси 11 255,08 сўмга кўпайтириб,  $35\,401,76 \$ \cdot 11\,255,08 = 398\,449\,641$  сўм миқдорига Бюджетга қўшимча жарима тўлаш ёки 10 кунлик муддатда, асослангандирилган эътироз ёки муддати ўтган дебитор қарз ундирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисидаги электрон талабномани жавобгарга юборган.

Жавобгар томонидан талабномага белгиланган муддатда асослангандирилган ёки ўз эътирозлари баён қилинган жавоб хати аризага тақдим этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги №283-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 27-бандида ташқи савдо контрактлари бўйича чет элдан хорижий валютадаги маблағлар келиб тушишини ёки ушбу Низомда кўрсатилган божхона режимларида товарлар республикага олиб кирилиши ва расмийлаштирилишини, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилишини ёки пул маблағларининг қайтарилишини Низомнинг [23](#), [24](#) ва [24<sup>1</sup>-бандларида](#) белгиланган муддатлар тугагандан кейин кўпи билан 45 кун (кичик тадбиркорлик субъектлари учун — 90 кун) мобайнида таъминламаган хўжалик юритувчи субъектлар:

активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан 360 кунгача кечикканда — репатриация қилинмаган активлар суммасининг 5 фоизига тенг миқдорда;

активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан 360 кундан 545 кунгача кечикканда — репатриация қилинмаган активлар суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда қўшимча равишда;

активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан 545 кундан ортиқ кечикканда — репатриация қилинмаган активлар суммасининг 35 фоизига тенг миқдорда республика бюджети даромадига қўшимча жарима тўлайдилар, деб кўрсатилган.

Ишни кўриш кунига қадар дебитор қарздорлик ундирилмаган ва 360 кунгача бўлган муддат ўтган.

Натижада аризага судга ариза билан мурувжаат қилиб, жавобгарга нисбатан экспорт (импорт) шартномаси бўйича дебитор қарзларнинг муддати 545 кунгача кечиктириб юборилганлиги сабабли муддати ўтган дебитор қарзнинг 10 фоизи 398 449 641 сўм миқдорига молиявий жарима қўллашни сўраган.

Ишга жалб қилинган Божхона органи томонидан тақдим этилган маълумотларда, жавобгарга нисбатан жарима қўлламасликка асос бўлувчи ҳолатлар тасдиқланмади.

Мукаддам 4-1203-2201/675-сонли иқтисодий иш бўйича суднинг 05.08.2022 йилдаги ҳал қилув қарори билан ушбу ва бошқа шартномалар бўйича дебитор қарз 360 кунгача кечиктирилганлиги сабабли кечиктирилган сумманинг 5% га нисбатан 198 913 247 сўм молиявий жарима қўлланилган.

Ушбу ҳолатда суд, жавобгар экспорт (импорт) шартномаси бўйича дебитор қарзларини қарорда кўрсатилган муддатларда ундириш чорасини кўрмаганлиги сабабли, ушбу муддати ўтган дебитор суммасининг 10 фоизи

миқдорида Республика Бюджети даромадига кўшимча жарима тўлашини асосли деб ҳисоблаб, аризани тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Мазкур ҳолатда суд, иш ҳужжатларига асосан аризани тўлиқ қаноатлантириб, жавобгардан Республика Бюджетига 398 449 641 сўм миқдорида жарима ва аризачи фойдасига 33 000 сўм почта харажати ундиришни, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддасига асосан давлат божини жавобгар зиммасига юклашни, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январдаги “Давлат божи тўғрисида”ги №600-сонли Қонуни 9-моддаси 1-қисми 19-бандига кўра, аризачи ва жавобгар - ҳукуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўловидан озод этилганлиги сабабли давлат божи тўловини ундирувсиз қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179-моддаларини қўллаб, суд

**қ а р о р   к и л д и :**

АААнинг жавобгар «ТТТ» фермер хўжалигига нисбатан 398 449 641 сўм молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар «ТТТ» фермер хўжалигига нисбатан 398 449 641 сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилсин.

Жаримани Республика Бюджетига ундириш ААА зиммасига юклатилсин.

Жавобгар «ТТТ» фермер хўжалигидан ААА фойдасига 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Иш бўйича тарафлар давлат божи тўловидан озод қилинганлиги сабабли, давлат божи ундирувсиз қолдирилсин.

Суд ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги №283-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 28-бандига риоя этилган ҳолда ижро қилинсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф ўн кун муддатда шу суд орқали Сирдарё вилоят судига апелляция шикоятни бериши мумкин.

**Судья**

**Ў.Йўлдошев**